



## Фирибгарлик жиноятлари профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари.

Абдулхаев Абдулхамид Абдумуталович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси  
Магистратура Бошқарув фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,  
ПОДПОЛКОВНИК

E-mail: [abdulkhayev83@mail.ru](mailto:abdulkhayev83@mail.ru)

Тел: +99890-586-03-05

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11506283>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> April 2024

Accepted: 28<sup>th</sup> May 2024

Published: 5th May 2024

### KEYWORDS

фирибгарлик,  
жабрланувчи, олдини олиш,  
виктималогия,  
профилактика гумондор ва  
бошқалар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ички ишлар органлари профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятини олдини олишдаги фаолияти, унда учрайдиган муаммолар ва шу муаммоларни ечимига қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ҳамда хориж тажрибаси берилган.*

Бугунги кунда мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг ўсиш тенденциясини, ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўришимиз мумкин. Яъни, республика бўйича 2023 йил 12 ойида жами 18492 та фирибгарлик жиноятлари содир этилган бўлиб, шундан 2165 таси ёки 11,7 фоизи фош этилмаган. Очилмай қолган жиноятларни содир этган шахслар эса ўз билганларича озодликда юришибди, уларга жазонинг муқаррарлиги таъминланмасдан, оқибатда, фирибгарлик жинояти қурбонига айланган жабрланувчиларнинг мол-мулки ўз-ўзидан фирибгарлар томонидан талон-торож қилинмоқда. Фикримизнинг энг долзарблиги ҳам шунда.

Фирибгарлик жиноятига криминалистик нуқтаи назардан қараганимизда фирибгарликни содир этиш бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, унинг олдини олишнинг ҳам ўзига хос

хусусияти бор.

Юқорида таъкилаганимиздек, фирибгарлик содир этилишида икки тарафлама манфаатли ҳаракат юзага келади. Яъни жиноятчи ва жабрланувчи ўртасида. Шу бои ҳам, айнан фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини юқори савияда ишлаб чиқган ҳолда уни амалга ошириш ушбу жиноятнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади дейишимиз мумкин.

Маълумки, жабрланувчилар фирибгарлар билан муайян вақт (10-15кун, 1-2 ой) давомида , баъзи вақтларда узокроқ муддат(4-5ой ва ундан юқори) давомида ўзаро муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан сўнг фирибгарнинг юзаки белгилари хакида тўлароқ маълумогга эга бўлишлари мумкин.

Фирибгарлар ташқи кўринишидан, ўзини тутишидан. ақл-фаросати, дунёқараши. фикрлаш доираси ва хулқ атвори билан бошқа турдаги ҳуқуқбузарлардан фарк қиладилар. У ҳуқуқбузарликни содир этишда аёрлик ва чапдастлик кобилиятларини ишлатиб, одамларни ўзига жалб этади, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотади.

Фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонади ва очик қўнгилик билдирадилар ва шу билан ўзларини алданиб қолганликларини билмай қоладилар. Фирибгарларни шартли равишда бешта гуруҳга бўлсак бўлади:

- Кўнимсиз, доимий равишда кезиб юрадиган учарлар. Улар ҳуқуқбузарликни содир этган заҳоти бошқа ҳудудларга ёки республикадан ташқарига яширинадилар;
- Майда фирибгарлик содир этадиган шахслар;
- Доимий яшаш ва иш жойи бўлмаган,фирибгарлик учун бир неча бор судланган шахслар;
- Олдин судланмаган, узок чўзилган фирибгарликни содир этган шахслар
- Ўзларининг енгилтаклиги боис ёки бошқа шахслар ва ҳолатлар таъсирида биринчи марта фирибгарликни содир этган шахслар.

Фирибгарлик қилмишлари жамият учун жуда хавфлидир. Фирибгарнинг аёрлиги, уддабуронлиги бевосита фирибгарликка оид ҳуқуқбузарликнинг олдини олинишида қийинлаштиради.

Австрия қонунчилигига кўра жабрланувчининг маълум бир ҳаракатни амалга ошириши, бирон-бир ҳаракатга имкон бериши ёки фактик алдаш туфайли

ҳаракатсизликни амалга ошириши фирибгарликни ташкил этади (*бунда унинг турлари: оддий, оғир, компьютер, зарурият туфайли содир этилган кабиларга бўлинади*)<sup>1</sup>.

АҚШ жиноят қонунчилиги бўйича фирибгарлик деганда алдаш тусига эга бўлган, усул келишув ва серқирра ҳаракатлар тизими тушунилади (*Унинг турлари: кўзбуямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, телемаркетинг, почта, банкротлик, кредит карталари орқали, тиббиёт, ҳукумат ташкилотларига қарши, суғурта, қимматли қоғоз муомиласи*)<sup>2</sup>.

Япония жиноят кодексида фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашни англатади. Агар шахс шу йўл орқали ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний мулккий фойда кўрса, бундай ҳаракатлар ҳам фирибгарлик ҳисобланади.<sup>3</sup>

Германия жиноят кодексида фирибгарлик оддий, алоҳида оғир, компьютер, субсидия олишга қаратилган, капитал киритишга оид, кредит каби турларга бўлинади<sup>4</sup>.

Юқоридаги тушунчалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фирибгарликнинг тушунчаси унинг содир этиш усули, шаклари ва қўллаш методларидан келиб чиқади. Масалан, фирибгарликка оид барча тушунчаларда бировни алдаш орқали мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, республикамызда содир этилаётган жами жиноятлар орасида фирибгарлик жиноятларининг салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилмоқда кузатилмоқда. Таҳлилларга кўра, 2022 йилда фирибгарлик жинояти жами содир этилган жиноятларнинг 11,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 13,1 фоизни ташкил қилган<sup>5</sup>. 2023 йилнинг 12 ойи давомида республика бўйича содир этилган фирибгарлик жинояти (18492) 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 19,7 фоизга камайган бўлсада, умумий жиноятларда хиссаси 15,1 фоизни ташкил этмоқда. Фирибгарликнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (5882 та ёки 20%) Фарғона вилояти (2248 та ёки 13%), Самарқанд (1239 та ёки 8,7) ва Тошкент (11675та ёки 9,6)

<sup>17</sup>Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. –М., Зерцало, 2001.–С.144.

<sup>18</sup>Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. –Киев: КНТ, 2007.–С.596.

<sup>19</sup>Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002.–С.226.

<sup>20</sup>Шестакова Д.А. Уголовный кодекс федеративной Республики Германии. – СПб., Юридический центр Пресс, 2003. –С.524.

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази маълумоти

виилоятлари ҳисобига тўғри келган. Энг ачирнарлиси, 2023 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 11,4% (2165та) фош этилмасдан қолган.<sup>6</sup>

Фирибгарлик жиноятларининг камайтириш масаласи ҲМҚОлар олдида турган энг муҳим ва устувор вазифаларидан бўлиб, мазкур вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш кўпроқ огоҳ этувчи профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ҳамда уларни амалга оширишда қўлланилаётган фирибгарликнинг барвақт профилактикаси механизмини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақазо этади. Фирибгарликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини таъминлаш учун энг аввало мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараён ёки мавжудликнинг моҳиятини ўрганиш унинг келиб чиқиши ёки содир бўлишига туртки берган сабаблар, имконият яратган шарт-шароитлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни талаб этади.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқбузарликни касалликка, ҳуқуқбузар шахсни беморга қиёслашади ва мазмунан уларни бир-бирига яқин тушунчалар деб билишади. Дарҳақиқат, пенитенциар тизимда жазо ҳуқуқбузар шахсни жазолашга эмас, балки ахлоқан тузатишга хизмат қилиши лозим деган қараш мавжуд. Тиббиёт соҳасида эса беморни ҳам жисман, ҳам руҳан соғломлаштиришга эътибор қаратилади<sup>7</sup>.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари кишилар психологияси ва онгига таъсир кўрсатиб, уларда ғайриижтимоий қарашларни, хулқ-атворни шакллантиради ёки уларни озиклантиради, кучайтиради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий психологик хусусиятга эга. Ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар ижтимоий шароитлардан келиб чиққан бўлиб, маълум даражада мустақилдир.

Фирибгарлик жиноятини содир этиш сабабини ўрганиш мақсадида шу турдаги жиноятни содир этиб жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумлар орасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари шуни кўрсактмоқдаки, сўровда иштирок этган 1395 нафар маҳкумларнинг 30,5 фоизи моддий етишмовчилик, 28,8 % таълим-тарбиядаги камчилик, 17% ишсизлик, 13,5 % ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги,

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти маълумоти

<sup>23</sup> И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқа. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма . – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Б–5.

5,3 фоизи профилактик ишлари етарли эмаслиги, 2,2 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги камчиликларни сабаб сифатида эътироф этишган.

Ёшлар томонидан фирибгарликнинг содир этилиши сабабини ўрганиш юзасидан ўтказилган сўровда иштирок этган маҳкумларнинг 38,1% таълим ва тарбиядаги сусткашлик, 32% ишсизлик, 14,9 % ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, 5,4 % моддий етишмовчилик, 4,1 % осон йўл билан пул топиш, 1,6 % ни ичкилик, 0,6 % интернетнинг салбий таъсири деб белгиланган.

Таҳлиллардан кузатиш мумкинки, фирибгарликнинг содир этилишининг асосий сабаблардан бири шахслардаги пулга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигидадир. Шунингдек унутмаслик лозимки, шахсларда фирибгарлик жиноятини содир этишга ундавчи бошқа турдаги эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Ҳар қандай инсонда жисмоний эҳтиёж қондиришга бўлган хоҳиш кучлироқ бўлади. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, айрим тоифадаги фирибгарлар ҳаётда зарурий эҳтиёжни қондириш эстагида фирибгарликка қўл уришади. Фирибгарлар орасида спиртли ичимликка ружу қўйган ва гиёҳвандликка чалинганларда асосан бундай ҳолат кузатилади. Чунки, уларда ҳаётга, яхши яшашга бўлган қизиқиш сўнган бўлади. Улар фақатгина кундалик жисмоний эҳтиёжини қондириш мақсадида бўлишади.

У ёки бу ҳаётининг ҳолатларга кўра жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ҳам бундай алдов ёки ишончининг суиистъемол қилинишига дуч келиши табиийдир. Бундан ташқари ушбу жиноятнинг фарқли томони шундаки, фирибгарлар очиқ ҳаракат қилади ва ўз қурбонини қарахт ҳолатга тушуради. Алдаш ҳолатини бирданига аниқланмайди, балки муайян вақт ўтгандан алданиш аломатлари кузатилади. Бу вақтда эса фирибгар ўзганининг мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритади ҳамда бўлиб ўтган ҳолат юзасидан керакли бўлган тавсилотларни яширишга улгуради.

Жиноятлар натижасида фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказилади. Худди шунингдек фирибгарлик жиноятдан жабр кўрган шахсларда ҳам бундай ҳолат кузатилади. Бироқ фирибгарлик айрим турдаги жиноятлардан, жумладан ўғрилик жиноятдан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Масалан, ўғрилик жиноятининг содир этилишида жабрланувчиларнинг ўз мулкини очиқ қолдирилиши ёки унга бўлган бепарволиги шароит яратади. Худди шунингдек ушбу турдаги жиноят ўзганининг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш каби хатти-ҳаракатлар билан ифодаланади. Фирибгарликнинг содир этилишида уғирликдан фарқли равишда жабрланувчилар хулқ-атворидаги ўта ишонувчанлик шароит яратади. Шунингдек,

ушбу жиноятнинг уғирлик жиноятидан фарқли бўлган асосий жихати жабрланувчи ўзига тегишли бўлган моддий қимматликларини ўз қўли билан жиноятчига топширишидадир.

Фирибгарликнинг бир қатор турлари фарқлансада, унинг содир этилишида умумий характердаги қуйидаги ўзига хос хусусиятларни кузатиш мумкин:

- жиноятчилар жабрланувчиларга таъсир ўтказиш мақсадида психологик методларни чуқур қўллашади;
- жабрланувчилар жиноятчининг ўзини тутиш сабаблари ва жиной хатти-ҳаракатларини сезмайди;
- жабрланувчилар ҳеч муболағасиз ва иккиланишларсиз жиноятчига ўзининг мулки ва бойликларини ўз хошиши (ўз қўллари) билан беради;
- кўпгина ҳолатларда фирибгарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашади;
- фирибгарлар айрим ҳолларда мураккаб қўрилма ва буюмлардан фойдаланишади;
- атрофдагиларнинг фирибгарларга нисбатан бефарқлиги кузатилади.

Қонунда фирибгарлик учун қатъий жазо чоралари белгиланган бўлсада, бироқ фирибгарлар томонидан фуқароларни мулкани эгаллаш мақсадида уларни алдаш давом этади. Чунки, жазонинг оғирлиги бу турдаги жиноятларни олдини олишга хизмат қилади деган фикрдан йироқ йўришимиз лозим. Фирибгарликнинг оқибатини бартараф этиш учун унинг сабаб ва шароитини чуқур таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири мазкур турдаги жиноятларнинг барвақт профилактикаси дир. Ушбу профилактиканинг ўзига хос жихатларидан бири содир этилаётган фирибгарлик жиноятларининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришдир. Шунингдек, профилактик чора-тадбирларни қўллаш самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, жамиятдаги барча аҳоли қатламини турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг реал даромадларини ошириш ва ижтимоий қўллаб қувватлашни такомиллаштириш ўз навбатида турли салбий ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади. Юқорида такидлаб

Ўтганимиздек, фирибгарлик жиноятларининг энг асосий сабабларидан бири бу аҳолининг моддий эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги, иқтисодий муаммолар эътироф этилган. Шу боисдан аҳолининг эҳтиёжларининг етарли даражада қондирилиши фирибгарлик жиноятларини олдини олишнинг асосий усулларидан ҳисобланади.

Юқоридаги омилларни бартараф этмай туриб биз жамиятда учрайдиган салбий ҳолатлар, шу жумладан фирибгарлик жиноятларини олдини олишда натижаларга эришиб бўлмаслигини англашимиз лозим. Шу боисдан, бугунги кунда мамалакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб қувватлаш, янги ишчи ўринларини яратиш, “уюлмаган ёшлар”нинг мавжуд муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди ва улар давом этирилмоқда.

Енгил пул топиш, хаётда қийинчилик кўрмасдан кун кечириш, кийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтишга ўриниш ҳар қандай шахсни ўзига жалб этиш эҳтимоли юқори. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, шахслардаги ғурур, инсоф, диёнат, виждон каби хусусиятлар ҳамда ахлоқий тарбия тамойиллари кўпчиликни жиноят содир этишига йўл қўймайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тўрт ҳолатда шахс фирибгарликка қўл уради деган фикрдамиз:

- ахлоқий тарбиядаги камчиликлар;
- пулга бўлган эҳтиёж қондириш зарурияти;
- жисмоний эҳтиёж қондириш зарурияти;
- бойиб кетишга бўлган кучли хошиш.

Фирибгарликка оид жиноят иши материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки аксарият ҳолларда жабрланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (ўта ишонувчанлиги) мазкур жиноятнинг содир этилишига имкон яратган. Фирибгарлик жиноятларини содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинганида, 71,4 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ўта шонувчанлиги, 16,3 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан эришишга уринишлари, 6,9 фоиз ҳолатда

жабрланувчиларнинг ҳуқуқий билимлари етишмаслиги мазкур жиноятларнинг содир этилишига шароит яратган<sup>8</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида таъкидланганидек, фирибгарликнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг муайян даражада ўзига хос хиссаси мавжуд. Чунки улар фирибгарларнинг алдовларига ишониб, чув тушиб қолишмоқда.

Назарияда фирибгарликнинг сабаб ва шароитлари келиб чиқиши бўйича асосий ва асосий бўлмаган сабаб ва шароитларга бўлиб ўрганилади. Асосий сабаб ва шароитлар деб жамият ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам фирибгарликнинг объектив қонуний ҳодиса сифатида мавжуд бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндисига айтамыз. Бундай сабабларга мисол қилиб ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, жамоат манфаати билан шахсий манфаат ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги ва шунга ўхшаш жамият ривожланишининг объектив қонунларига асосан ҳар қандай жамиятда, унинг барча босқичларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни салбий томонларини келтиришимиз мумкин.

Асосий бўлмаган сабаб ва шароитлар деб, жамият ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўлган, вақтинчалик ва ўткинчи хусусиятига эга бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи воқеа, ҳодиса ва жараёнлар йиғиндисига айтамыз. Асосий бўлмаган сабабларга мисол қилиб ҳозирги вақтда ишсизлик, етишмовчилик, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, миллий валютанинг қадрсизланишини, ташкилий-бошқарув соҳасидаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келтиришимиз мумкин.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўпроқ объектив омилларга боғлиқ. Уларга тажовуз килинаётган предметнинг хусусияти, тажовуз вақти, жойи, ҳамда жиноят содир эгилган бошқа объектив шарт - шароитларни киритиш мумкин. Бундай шарт- шароитларга жабрланувчининг шахсига хос хусусиятларни ҳам кўрсатиш керак. Масалаи, фирибгарлар жабрланувчилар турар жойини ва жиноий йўл билан топилган сармояси борлигини билиб олиб, у ерда ноқонуний тинтув ўтказиши мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳатти ҳаракати, унинг турар жойи ва тажовуз учун сармоя мавжудлиги фирибгарлик содир этилишида маълум даражада таъсир кўрсатади. Фирибгарлар ҳуқуқбузарликни содир этишда турли усуллардан фойдаланадилар ва бу ҳуқуқбузар шахснинг малака даражасини кўрсатади, яъни

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази маълумоти

хуқуқбузарлик содир этишда қўлланиладиган услуб, тажовуз қилинган мулк ва унинг эгаси ҳақида маълумотлар хуқуқбузар шахсда катта аҳамият касб этади. Фирибгарлар аксарият ҳолларда пул ёки шунга ўхшаган нарсаларни талайдилар. Фирибгарлар кўпинча давлат органларининг биноларига туташ булган тураргоҳлар ёки кўчаларда, вакзал ва аэропортларда, дўконларда, жабрланувчининг яшаш ва иш жойида, бозор ва бошқа жойларда содир этилади.

Фирибгарлик содир этилиш жараёнида жабрланувчиларнинг ўзлари кўпинча ўз ҳаракатлари билан хуқуқбузарлик содир этилишида сабабчи бўлиб қоладилар. Фирибгарликнинг келиб чиқишига кўпинча айрим фуқароларнинг бахиллик, очкўзлик, пулга хирс қўйиш, тез бойиб кетишга ва бунинг учун маълум имтиёзлар ёки кимматбаҳо нарсаларни ноқонуний ўзлаштиришга ҳаракат қилишлари сабаб бўлади. Бундай қўштирноқ ичидаги жабрланувчилар ўзларига нисбатан фирибгарлик содир этилгани тўғрисида ички ишлар органларига хабар бера олмайдилар, фирибгарлар ҳам бу ҳолатни ҳисобга оладилар ва бу уларга қўл келади. Жабрланувчининг шахсини ўрганишда хуқуқбузарлик содир этилишида унинг роли қандай эканлигини ёдда тутиш керакки, унда ҳам хуқуқбузарлик содир этиш ёки унга суиқасд қилиш имкони бордир. Шу ўринда савол туғилади фирибгарлар бу турдаги хуқуқбузарликни қандай йўл билан содир этадилар ва уни яшириш усуллари қанака? Бу саволга қуйидагича жавоб кайтаришимиз мумкин:

- Ҳақиқий пул ичига сохтасини аралаштириб қўйиш орқали фуқаролар мулкига эга бўлиш;
- Узини мансабдор шахс сифатида кўрсатиб ва керакли ёрдамни бериши мумкинлигини айтиб фирибгарлик қилиш;
- Харидор олмоқчи бўлган мол ўрнига бошқа молни ўтказиш ёки бериш;
- Қарзга пул олиб, фуқаролар мулкани ўзлаштириш. Бунда фирибгар одатда 3-4 ойга қарз олади ва муддати келиши билан пулни белгиланган устама фоизи билан қайтарадилар. Бундай ҳолат бир нсча бор такрорланади, вақти келиб фирибгар худди шундай шарт билан жуда катта миқдарда қарз олади ва яширинади;
- Маиший хизмат кўрсатиш ёки савдо соҳасида муайян турдаги товар ёки хизматни арзонроқ етказиб беришни ваъда қилиб, мулкка эга бўлади ва яширинади;
- Фуқаролар мулкани карта ўйинлари ёки «фолбинлик» йўли билан ўзлаштириш . Бу усулни қўллаган фирибгар киши тақдирини олдиндан айтиш учун ундан маълум бир қимматбаҳо буюм беришни талаб килади .« Фолбин» буюмни олиб қоғозга ўрайди ва сеҳргарлик ҳаракатларини бажаради, шу вақтда қоғозни бошқасига

алмаштириб, жабрланувчига тутқасади ва қоғозни очмаслик тўғрисида огохлантиради, акс ҳолда менинг сеҳрим таъсир кучини йуқотади дейди;

- Олтинга ўхшаш буюмлар ва оддий шишаларни олмос, тилла буюмларга ўхшатиб ишлаб, харидорларга сотиш .Бу “фармазон” усули деб номланади ,уни кўпинча бир гуруҳ жиноятчилар амалга оширади. Сотувчи узини кўпинча ажнабий шахс сифатида таништиради ва ночорликда ушбу қимматбаҳо буюмни сотишга мажбур бўлганлигини тушунтиради. Бошқа фирибгар «баҳо берувчи заргар» сифатида ўйинга кўшилади, учинчи фирибгар эса ушбу буюмни сотиб олувчи шахс сифатида ўйинга кўшилади ва паст баҳога ушбу қимматбаҳо буюмни сотиб олишга ҳаракат килади ёки улар олиб сотар рўлларида ўйинга кўшиладилар.

Бугунги кунда замонавий технологиялар ривожланиб бораётган бир даврда интернет тармоқларида янгидан-янги имкониятлар пайдо бўлиши билан бирга ундан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар сони ва тури ҳам кўпайиб борморда. Улардан ривожланган ўйин тури бўлган футбол ўйинига мухлислик қилувчиларнинг жаҳон чемпионатларида ва бошқа муҳим ўйинларда интернет тармоқлари орқали маълум бир шартлар асосида пул тикишлари бугунги кунда интернет тармоқлари соҳасини ислоҳ этишни талаб этмоқда . Бунинг учун эса биз ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда интернет тармоқларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштиришни таклиф қилган бўлар эдик. Бу каби ўйинлар таваккалчиликка асосланган бўлиб ўзида фирибгарлик аломатларини ҳам намоиш этади. Агар бундай ҳолатларни вақтида аниқлаб зарур чора тадбирларни кўрмасак ҳуқуқбузарликларнинг фаолият йуналишлари кенгайиши ва бошқа хил ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатлардан яна бири бу интернетдаги пуллар ҳисобланади. Улар ҳаводаги пуллар ҳисобланиб барча давлат курсларида маълум бир қийматга эга. Яъни интернетдаги пуллар биткоин деб номланиб бир биткоин турли давлат пул birlikларида маълум бир қийматга эга. Электрон тарздаги бу пулларни бугунги кунда республикамиз фуқароларига ҳам мавжудлиги аниқланган бўлиб бу турдаги норасмий пулларни тартибга солувчи қонун нормасини мавжуд эмаслиги қонунчиликда бўшлиқни вужудга келтиради.